
ЕРДАН ҚОНУНИЙ ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Ер даромад манбаи. Ундан самарали фойдаланиш ва даромад олиш ҳар бир фуқаронинг пировард мақсади ҳисобланади. Аҳолининг даромад топишга қаратилган тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳолига аграр тармоқда ўз бизнесини ташкил этишга кўмаклашиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш ва қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2021 йилнинг 23 ноябрь куни Президентимизнинг 20-сонли қарори қабул қилинган. Мазкур қарор ижроси юзасидан туманимизда ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Худудларда фуқароларга қарор асосида фойдаланиш ва даромад манбаига эга бўлишлари учун 15 сотихдан ер майдонлари ажратиб берилмоқда. Бироқ, ердан унумли ва самарали фойдаланиш баробарида унинг ҳуқуқий ва қонуний тартиб ва тамойиллари борки, бу тартиб ва қоидаларга риоя этиш ҳам биздан катта масъулият талаб этади. Бугун Қува туман 1,2,3,4-сектор худудларида тумани суди раиси ва вилоят суди томонидан бириктирилган судьялар Президентимизнинг 20-сонли қарори мазмун-моҳиятини тушунтириш, шунингдек, қонунчиликдаги янгиликларни фуқароларга етказиш мақсадида очиқ мулоқот тарзидаги учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда иштирок этган қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари ва ер майдони олиш истагида бўлган фуқароларга юқоридаги масалалар бўйича етарли маълумотлар берилди. Қува тумани суди раиси ҳам ўз навбатида давлатимиз раҳбарининг 20-сонли қарори асосида ер олиш тартиби ҳақида маълумотлар берди. Таъкидландики, мазкур тартиб "E-auksion" платформаси орқали амалга оширилиб, деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкаларини ижарага беришда ўз томорқасида мева-сабзавотчилик, полиз маҳсулотларини етиштириш ва узумчиликда яхши натижаларга эришган, ушбу соҳалардан бирида таянч мутахассисликка эга бўлган фуқароларга, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»да рўйхатда турган эҳтиёжманд оилаларга алоҳида устуворлик берилади. Шунинг баробарида, ердан мақсадсиз фойдаланган ҳолда қонун талабларини бузган фуқароларга жавобгарликка тортиш ҳолатлари ҳам кўзда тутилган. Тадбир иштирокчиларига масалага боғлиқ бўлган маъмурий жавобгарлик ва жиноят кодекси моддалари ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Тадбир жараёнида барча иштирокчиларга ижарага берилган ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича тайёрланган буклетлар тарқатиб берилди.

2022-03-25 08:50:01